Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№34-35 (1469)
2023 YIL
14-SENTYABR

# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

т.me\o'zbekistondasog'liqnisaqlash

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, жумладан, бошқарувни такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришнинг келгуси истиқболларини белгилаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази **Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти** (кейинги ўринларда – Институт) этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

**соғлом турмуш тарзини** шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларга **қарши курашиш ҳамда олдини олиш** бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

соғлом турмуш тарзини **тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш,** аҳолининг барқарор тиббий **маданиятини** шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илғор ва мақбул хорижий тажриба асосида соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг **устувор йўналишлари, ўрта муддатли ва узоқ муддатли ривожланиш сценарийлари ва стратегиялари** бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

**тиббий статистикани шакллантириш ва юритиш**, статистик кўрсаткичларни шакллантиришда халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасидаги статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш.

Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан Институт ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартларига кўра, тегишли равишда, **Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ходимларига тенглаштирилади.**

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Институт билан биргаликда **икки ой муддатда 2024-2026 йилларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланишни тизимли тарғиб қилиш ва оммалаштириш дастурини** ишлаб чиқсин ва унда, жумладан, қуйидагиларни назарда тутсин:

соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган йилига **25 тагача** промо-роликлар, дастур ва телекўрсатувлар тайёрлаш;

уяли телефон фойдаланувчиларига касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи асослари бўйича **ҳар куни** қисқа хабарлар (SMS) юбориш;

журналистлар ва бошқа матбуот вакиллари ўртасида ҳар йили **"Соғлом турмуш тарзи бўйича йилнинг энг яхши тарғиботчиси"** танловини ўтказиш;

бозорлар, самолёт, поезд, автобус, метро, супермаркетлар ва фуқаролар оммавий йиғиладиган бошқа жойларда соғлом турмуш тарзи бўйича **роликлар** намойиш қилиш, **радиомаслаҳатлар** тақдим қилиш ва **буклетлар** тарқатишни таъминлаш.

*Давоми 2 - бетда►*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017-2022 йилларда оналар ўлими кўрсаткичи **1,5 бараварга**, гўдаклар ўлими эса **1,3 бараварга** камайишига эришилди.

**Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик** касалликларга чалинган болаларни бепул дори воситалари, тиббий буюмлар ва махсус озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жорий этилиб, уларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш кўлами кенгайтирилди.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида **болалар анестезиология-реанимация бўлимлари** ҳамда кечаю кундуз шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи педиатрия постлари, шунингдек, поликлиникаларда **болалар бўлимлари** ташкил этилди.

*Давоми 3 - бетда►*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## "ЎЗБЕКИСТОН – 2030" СТРАТЕГИЯСИНИ 2023 ЙИЛДА СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. **"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида** қуйидаги **устувор йўналишлар** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;

барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;

"хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш.

*Давоми 5 - 6 бетларда►*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## "ЎЗБЕКИСТОН – 2030" СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуклиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда.

Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

*Давоми 4 - бетда►*

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ БАРДАВОМ МАНЗИЛЛАРИ



**Жорий йилнинг 6-9 сентябрь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон – АҚШ соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида йирик анжуман бўлиб ўтди. Таъкидлаш муҳимки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш соҳаси масъуллари, дипломатик корпус вакиллари, олимлар ва экспертлар, АҚШнинг етакчи хусусий тиббиёт марказлари ҳамда йирик фармацевтик корхоналар раҳбарлари иштирок этишди.**

*Давоми 8 бетда►*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

←Давоми. Боши 1-бетда

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқаро ташкилотлар ва хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда **2023 йил якунига қадар** илғор хорижий тажриба асосида қуйидагиларга асосий эътиборни қаратган ҳолда **"Аҳоли саломатлиги – 2030" миллий стратегияси** ишлаб чиқилишини таъминласин:

аҳолини максимал қамраб олган ҳолда **бирламчи тиббий-санитария хизматини** унга янада яқинлаштириш;

фуқароларнинг **соғлом турмуш тарзини,** соғлом овқатланишини ва жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларни аҳоли орасида **ҳар томонлама тарғиб қилиш;**

**оналик ва болаликни** муҳофаза қилиш, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш;

**ихтисослашган тиббий ёрдам** кўламини кенгайтириш;

соғлиқни сақлаш тизимини **тўлиқ рақамлаштириш,** қоғозбозликка, асоссиз бюрократияга ва навбатларга чек қўйиш, аҳолига тиббиёт муассасаларига мурожаат қилганида қулайликлар яратиш;

замонавий ва самарали **бошқарув усулларини** жорий қилиш ва **тиббий хизматлар сифатини** ошириш;

кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий таълим ва илм-фанни ривожлантириш;

**хусусий секторни** ривожлантириш ва **инвестицияларни жалб қилиш** ҳамда йирик **давлат-хусусий шериклик** лойиҳаларини амалга ошириш;

тиббиёт муассасаларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;**

**фармацевтика тармоғини** самарали тартибга солиш.

5. Қуйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги **тузилмасига ўтказилсин:**

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги;**

**2024 йил 1 январдан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси.**

6. Белгилансинки:

мазкур Фармоннинг 5-бандида кўрсатилган муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига **мустақил юридик шахс мақоми** ҳамда улар фаолиятини **молиялаштиришнинг амалдаги манбалари** ва **тартибини** сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги **фармацевтика саноати** барқарор ривожланиши учун **жавобгарликни тўлиқ** зиммасига олади;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг кузатув кенгаши тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида тиббий хизмат кўрсатиш учун жалб қилинадиган етказиб берувчилар (давлат ва нодавлат)ни, харид қилинадиган тиббий ёрдамлар ҳажмини **мустақил белгилайди** ва ўз бюджетини шакллантиради;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси **2027йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидан чиқади ва **мустақил жамғарма сифатида** фаолият юритади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархлари **Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси** билан келишган ҳолда белгиланади;

**соғлиқни сақлаш вазири ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижрочи директори 2026 йилнинг якунига қадар** тиббий суғуртанинг республика бўйлаб **тўлиқ жорий этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.**

**7. 2024 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида **қуйидагиларни бирлаштириш орқали юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда – Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси)** ташкил этилсин:

Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси;

Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси;

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси;

Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

8. Қуйидагилар 2024 йил 1 январдан Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағларини **шакллантириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган **350 миллиард сўм** миқдоридаги маблағлар;

**спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга** тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва **дори** воситаларини бепул етказиб бериш харажатлари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

иқтидорли ва малакали **тиббиёт мутахассисларини** қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган **50 миллиард сўм** миқдоридаги маблағлар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг **бўш турган бинолари, кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини** оммавий савдолар (аукцион)да сотишдан тушадиган маблағларнинг республика бюджетига ўтказиладиган **50 фоизи;**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг мол-мулкини ижарага беришдан тушадиган **тушумларнинг,** Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг операцион харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган **100 фоизи;**

халқаро молия институтларининг, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг **грантлари ва техник кўмак маблағлари;**

Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини **тижорат банклари депозитларига** жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг **ҳомийлик хайриялари;**

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган **бошқа манбалар.**

9. Белгилансинки, **Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағлари қуйидагиларга сарфланади:**

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг **моддий-техника базасини** мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар сотиб олиш ва ахборот-коммуникация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш;

тиббий асбоб-ускуналар, компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, дастурий таъминотларни **харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини** кенг жорий қилиш ва ривожлантириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг **ходимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш,** шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун **хорижий мутахассисларни** жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг **кадрлар салоҳиятини** мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича **юқори технологик мураккаб операцияларни амалга ошириш учун мутахассисларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш;**

маҳаллий ва хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги **кенг кўламли вазифаларни** амалга ошириш мақсадида экспертлик гуруҳи фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш;

**онкогематологик ва даволаш қийинбўлган касалликларга** чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларини **капитал ва жорий таъмирлаш, қуриш ва реконструкция қилиш,** уларга асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини харид қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган **етим болаларва ота-она қарамоғиданмаҳрум бўлган болаларнинг** республикада амалга оширилмайдиган жарроҳлик амалиётларини хорижий мамлакатларда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга **чалинган беморларга республика ҳудудидаги давлат ванодавлат тиббиёт ташкилотларининг** юқори технологик ташхис ва даволаш-профилактика хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ходимларини **ўқитиш, қайта тайёрлаш ва стажировкасини** ташкил этиш, шу жумладан, хорижий мамлакатларга ташрифларини, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

олий ва ўрта тиббиёт таълим муассасаларининг **иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар** тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

**Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси ва унинг дирекцияси,** шунингдек, Институт ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва **қўллаб-қувватлаш** билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бошқа тадбирларни ҳамда **соғлиқни сақлаш соҳасида** олиб борилаётган **ислоҳотларни** амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш.

10. **2024 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида вазирлик бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси дирекцияси** ташкил этилсин.

11. Белгилансинки:

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси мазкур Фармонда назарда тутилган бирлаштирилаётган жамғармаларнинг **барча мажбуриятлари ва даромадлар манбалари бўйича ҳуқуқий вориси** ҳисобланади;

**Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағлари унинг кузатув** кенгаши қарорига асосан **қатъий равишда** ушбу Фармонда кўрсатилган **йўналишларга** сарфланади;

**Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг жорий молия йилида фойдаланилмаган (ўзлаштирилмаган)** маблағлари кейинги молия йилига ўтказилади.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги **бир ой муддатда Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни** ҳамда унинг кузатув кенгаши таркибини тасдиқласин.

Бунда, Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлашнинг **шаффоф тартибини,** унинг даромадлари ва харажатлари тўғрисида ҳисобдорликни, шунингдек, фаолиятининг **очиқлиги ва ошкоралигини** таъминлаш масалаларини назарда тутиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига илова-га мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Ш. Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 6 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*←Давоми. Боши 1-бетда*

Барча "тиббиёт бригадалари" таркибига қўшимча педиатрия ҳамшираси ва доя **штатлари ажратилди.** Болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни зарур **витамин комплекслари, йод препарати, темир ва фолий кислотаси** билан бепул таъминлаш жорий этилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг самарали бошқарув тизимини яратиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **2023 йил 1 октябрдан бошлаб**:

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, **Республика "Она ва бола скрининг" маркази негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази**ни (кейинги ўринларда – Марказ);

ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда "Она ва бола скрининг" марказлари негизида Марказнинг **14 та ҳудудий филиалларини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи оналар саломатлигини муҳофаза қилишнинг **такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж тизими** жорий қилинсин:

а) **бирламчи тиббий-санитария ёрдами** муассасаларида "тиббиёт бригадалари":

ўзларига бириктирилган ҳудудларда ҳомиладор аёлларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш ва даврий тиббий кўрикдан ўтишини ташкил этади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг "Аёллар маслаҳатхонаси" бўлими билан биргаликда ҳомиладор аёллар ҳолатини **доимий мониторинг** қилиб боради ҳамда хавф омиллари аниқланганда Марказнинг ҳудудий филиалларига юборади;

туғуруқдан кейинги даврда она ва боланинг **даврий патронажини** олиб боради ҳамда **исталмаган ҳомиладорликнинг** олдини олиш чораларини кўради;

репродуктив ёшдаги аҳоли ва ҳомиладор аёллар ўртасида тиббий маданият, касалликлар профилактикаси ва соғлом оилани режалаштириш бўйича **тарғибот ишларини** олиб боради;

б) Марказнинг **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги** ҳудудий филиаллари:

**хавф омиллари аниқланган аёлларни** тиббий текширувдан ўтказади, уларни даволайди ҳамда зарур ҳолларда республика даражасидаги тиббиёт муассасаларига йўналтиради;

**никоҳланувчилар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар ҳамда чақалоқларни молекуляр тиббий-генетик текширувлардан** ўтказади;

ирсий касалликлар аниқланган болаларни махсус дори **воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари** билан таъминлайди;

**соғлом оилани режалаштириш ҳамда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш** чора-тадбирларини амалга оширади;

в) **Республика перинатал маркази:**

эрта туғуруқ хавфи бўлган ҳомиладорларга, шунингдек, муддатига етмасдан (22-28 ҳафталик) туғилган чақалоқларга барча турдаги тиббий хизматлар кўрсатади;

алоҳида тиббий кўрсатмаларга асосан ҳомиладорлар ва чақалоқларга Марказнинг ҳудудий филиалларида консультатив ёрдам беради ҳамда зарур ҳолларда уларга тиббий стационар ёрдам кўрсатади;

г) **Марказ**:

республика, ҳудудий тиббиёт муассасалари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болалар скрининги, шунингдек, репродуктив ёшдаги аҳоли орасида экстрагенитал, туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси бўйича **ихтисослаштирилган ҳамда юқори технологик диагностика ва даволаш амалиётларини жорий этади;**

**акушерлик-гинекология**, тиббий-генетик маслаҳат, соғлом оилани режалаштириш, молекуляр-генетик текширув, пластик ва эстетик гинекология, ёрдамчи репродуктив технологиялар хизматларини ташкил этади ва ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштиради;

репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болаларга малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашда иштирок этади;

репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар, янги туғилган болалар касалликлари бўйича **фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш,** уларнинг натижаларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ўсмирлар орасида **репродуктив аъзолар патологиясининг** олдини олиш бўйича тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этади;

хорижий илмий-тадқиқот тиббиёт марказлари, клиникалар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширади;

**соғлом оилани шакллантириш,** оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда **илғор усуллар ва технологияларни йўлга қўйиш,** туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта пренатал ва неонатал даврда аниқлаш, **болалар ўлими ва туғма ногиронликнинг олдини олиш чораларини кўради.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **2023 йил 1 октябрдан** бошлаб бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари мутахассисларини жорий этилаётган янги тизим бўйича ўқитишни ташкил қилсин.

3. Белгилансинки:

а) Марказ Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика "Она ва бола скрининг" маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг;

Марказнинг ҳудудий филиаллари тегишинча ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда "Она ва бола скрининг" марказларининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари туғуруққа кўмаклашиш соҳасидаги тиббиёт муассасалари фаолиятига услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

в) янги ташкил этилаётган Марказ таркибидаги аҳоли репродуктив саломатлиги ва скрининг хизматига Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ҳамда Республика "Она ва бола скрининг" маркази учун амалда белгиланган молиялаштириш тартиби сақлаб қолинади;

г) Марказнинг электрон навбат асосида даволанишга йўналтириладиган ва имтиёзли тоифага кирувчи беморларни даволаш харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали қоплаб берилади.

4. Қуйидагилар:

Оналар ва болалар ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

2023-2027 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш дастури 2-иловага мувофиқ;

2023-2027 йилларда туғуруқ комплексларида қўшимча киритиладиган туғуруқ ўринлари сони 3-иловага мувофиқ;

Ҳудудий тиббиёт муассасалари учун харид қилиниши режалаштирилган тиббий жиҳозлар тақсимоти 4, 4а – 4о-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ҳудудларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича алоҳида "йўл хариталари" тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига "йўл хариталари"да белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги **2024 йил 1 сентябрга қадар** Марказда замонавий ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган энг илғор диагностика ва даволаш стандартларини амалиётга жорий этиб, **ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини** йўлга қўйсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўллаш бўйича замонавий клиник протоколлар ва стандартлар ишлаб чиқади ҳамда ушбу йўналишдаги барча тиббиёт ташкилотлари фаолиятини услубий жиҳатдан мувофиқлаштиради;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб **ҳар йили 100 тагача имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга** давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ёрдамчи репродуктив технологиялар усуллари муваффақиятли қўлланганда ушбу амалиётни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали қоплаб берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда бепуштлик сабабли фарзандсиз бўлган оилаларга, шу жумладан, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга нисбатан ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўллаш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта пренатал ва неонатал даврда аниқлаш, болалар ўлими ва туғма ногиронликни камайтириш, туғма ва ирсий касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш аҳамияти ва зарурати тўғрисида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Қуйидагилар **2026 йил 1 январга қадар** божхона божидан озод қилинсин:

ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқланган дастурлар доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича четдан олиб кириладиган юқори технологик диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реагентлар, зарур материаллар, дори воситалари ва болалар учун махсус озиқ-овқат маҳсулотлари;

фенилкетонурияга чалинган болалар учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари.

10. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига** 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А. Ш. Иноятов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари И. Э. Баситханова белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 8 сентябрь

№34-35 (1469)
2023 yil 14-sentyabr
O'zbekistonda sog'liqni saqlash
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ФАРМОНИ

# "ЎЗБЕКИСТОН – 2030" СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

*←Давоми. Боши 1-бетда*

Халқимизнинг **эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистон**ни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида:

1. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**"Ўзбекистон – 2030"** стратегиясида қуйидаги **асосий ғоялар** акс эттирилганлиги инобатга олинсин:

барқарор иқтисодий ўсиш орқали **даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан** ўрин олиш;

**аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга** тўлиқ жавоб берадиган **таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя** тизимини ташкил қилиш;

аҳоли учун **қулай экологик шароитларни** яратиш;

халқ хизматидаги **адолатли ва замонавий** давлатни барпо этиш;

мамлакатнинг **суверенитети ва хавфсизлигини** кафолатли таъминлаш.

2. Қуйидагилар:

**"Ўзбекистон – 2030" стратегиясини** амалга ошириш ва унинг **мақсадли кўрсаткичларига** эришиш барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида энг устувор вазифа этиб белгилансин ҳамда бу бўйича уларнинг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юклансин;

**"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** доирасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган ва амалга оширилиши давом этаётган, ўз аҳамиятини йўқотмаган барча мақсадларга эришиш ва долзарб вазифалар бажарилиши таъминлансин.

3. **"Ўзбекистон – 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси)** таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Арипов) зиммасига:

а) **"Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг** тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича тегишли йиллик дастурларни тайёрлаш ва ижросини мувофиқлаштириш;

б) **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** доирасидаги ислоҳотлар бўйича тадбирларнинг аҳоли томонидан билдирилган фикр ва ташаббуслар асосида сифатли амалга оширилиши, белгиланган кўрсаткичларга эришилишини назорат қилиб, натижаси юзасидан **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилишини таъминлаш;

в) **икки ой муддатда:**

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг **жойларда амалга оширилиши натижалари** танқидий ўрганилишини;

аҳоли ўртасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш **натижалари кенг муҳокама қилинишини, фуқароларнинг мазкур масала бўйича таклифлари тизимлаштирилган** ҳолда таҳлил этилишини;

ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган тизимли омилларни аниқлаш ва **"Ўзбекистон – 2030" стратегиясини** амалга ошириш доирасида уларнинг олдини олиш бўйича аниқ чоралар кўрилишини таъминлаш вазифалари юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига **"Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг ҳудудлар кесимида ижро этилиши юзасидан** вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг **ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиб бориш** тавсия этилсин.

5. **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** ва уни бажариш бўйича амалий чора-тадбирлар ижроси, тегишли **мақсадли кўрсаткичларга** эришилиши ва улар доирасида **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилиши устидан назоратни қуйидаги тартибда** амалга ошириш белгилансин:

а) Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати билан биргаликда **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** ва уни тегишли йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини тизимли мониторинг қилиб, унинг натижаларини ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб боради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** ижросининг тегишли йилларда ҳудудлар кесимида амалга оширилиши бўйича ҳар чоракда назорат тадбирларини ўтказади;

в) Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** амалга оширилишини Бош вазир ўринбосарлари ҳузурида танқидий кўриб чиқишни таъминлайди, **ҳар чоракда** Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан Ҳукумат аъзоларига, шу жумладан, вазирларга нисбатан тегишли чоралар кўради ҳамда ҳар ярим йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** амалга оширилиши юзасидан ҳисобот тақдим қилади.

6. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) бир ой муддатда:

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясини **2023-2024 йилларда ҳудудлар кесимида амалга ошириш чора-тадбирлари** бўйича Ҳукумат қарорлари қабул қилинишини;

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясидаги йўналиш ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда **Бош вазир ўринбосарларига бириктирилган тармоқ ва соҳалар кесимида аниқ вазифалар** белгиланишини таъминлансин.

7. Адлия вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг **сифатли ва ўз вақтида** ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига қўйилишига амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

8. **"Ўзбекистон – 2030" стратегияси – халқ стратегияси"** шиори остида белгиланган ислоҳотларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида **"Тараққиёт стратегияси"** маркази:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда "Ўзбекистон – 2030" стратегияси ижросининг таъминланиш даражаси, унда белгиланган ислоҳотларнинг сифатли амалга оширилишини **аҳоли томонидан ҳар бир мақсад ва ундаги кўрсаткичлар кесимида баҳолаш, улар юзасидан ўз фикрларини қолдириш ва ташаббуслар билдириш имкониятини яратувчи онлайн портални** ишга туширсин;

ҳар ойда баҳолаш натижалари ва аҳолидан келиб тушадиган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, Республика комиссиясига тақдим этиб борсин;

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (Ж.Кўчқоров) билан биргаликда **ҳар йили "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Барқарор ривожланиш мақсадлари"га мувофиқ** амалга оширилиши бўйича таҳлилни **жамоатчилик билан биргаликда** ўтказиш ва натижаларини эълон қилиб бориш тизимини йўлга қўйсин;

**"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** ва уни тегишли йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар бажарилиши якунларига бағишланган **ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни** таъминласин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равишда:

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган **мақсад ва вазифаларнинг оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини** ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка етказилишини;

**"Ўзбекистон – 2030" стратегияси** доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижроси ва белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати юзасидан **аҳолига холис ва тўлиқ маълумот** етказилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини **ҳар ярим йилда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш **Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар йил якуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 сентябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ 2023 ЙИЛДА СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*←Давоми. Боши 1-бетда*

**2. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш** йўналиши доирасида:

а) **2024 йил 1 январдан бошлаб:**

давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига оқсил, **витамин ва минераллар билан бойитилган сут, йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари** берилиши йўлга қўйилсин;

Хоразм вилоятининг Қўшкўпир ва Хонқа туманларида эксперимент тариқасида, барча бошланғич синф ўқувчилари **таълим планшетлари билан** таъминлансин, келгусида мазкур тажриба республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этилсин;

банкларнинг **нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш** учун миллий валютада ажратиладиган, қиймати **20 миллиард сўмгача бўлган кредитлар** бўйича, фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин унинг **1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун** Давлат бюджети ҳисобидан **компенсация** тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

б) **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** умумий ўрта таълим муассасаларининг касб-ҳунар эгаси бўлиш истагидаги 10-синф ўқувчилари учун **тегишли ҳудудларда талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўргатиш курслари** жорий этилсин.

Бунда, дастлабки босқичда ушбу тартиб **зарур кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасига эга бўлган ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланган** умумий ўрта таълим муассасаларида жорий этилсин;

в) **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар умумий ўрта таълим муассасалари учун **“таянч мактаб” этиб** белгилансин.

Бунда, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари “таянч мактаблар” томонидан **янги таълим дастурлари, дарс ўтишнинг илғор методикалари ва ўқувчи билимини баҳолашнинг замонавий усулларига** ўргатилади.

3. Белгилансинки, **2024 йил 1 январдан бошлаб**:

**онкогематологик касалликларга чалинган болалар** учун Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳамда Болалар миллий тиббиёт марказида **гемотопоэтик суяк кўмиги ўзак ҳужайралари трансплантацияси амалиёти** жорий этилади;

**вирусли гепатитнинг “С” тури** билан касалланган беморларни ҳамда гемотопоэтик суяк кўмиги **ўзак ҳужайралари трансплантацияси муолажасига муҳтож онкологик касалликларга чалинган болаларни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари** ҳисобидан даволаш йўлга қўйилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2023 йил 1 октябрдан бошлаб оғир ҳаётий вазиятга тушган ёки тушиш хавфи юқори бўлган ҳар бир оила бўйича алоҳида “ижтимоий хизмат иши”ни** юритиш тартиби амалиётга жорий этилади. Бунда, ушбу оилаларда шароитни яхшилаш, уларга **даволаш, дори воситалари билан таъминлаш, фарзандларини мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштириш, моддий ёрдам бериш** каби ижтимоий хизматлар кўрсатиш назарда тутилади;

б) **2024 йил 1 январдан бошлаб:**

Тошкент шаҳрининг тиббиёт муассасаларида давлат томонидан **кафолатланган бепул тиббий хизматлар ҳажми ва дори воситалари рўйхатини амалиётга киритишни назарда тутувчи давлат тиббий суғуртаси механизмлари** босқичма-босқич жорий этилади;

ногиронлиги бўлган шахсларни **протез-ортопедия буюмлари, реабилитация ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ишлари “ваучер” тизими** асосида босқичма-босқич ташкил этилади. Бунда, ногиронлиги бўлган шахсларга **товар ва хизматларни ўзлари танлаган етказиб берувчидан харид қилиш** имконияти яратилади ва уларнинг харажатлари **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** қоплаб берилади.

5. Хотин-қизларнинг **ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариши** учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида **2024 йил 1 январдан бошлаб** оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни **қайта касбга тайёрлаш харажатларини** давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилсин.

6. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича:**

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 1-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 1а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 1б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш** йўналиши доирасида:

а) **2023 йил 1 октябрдан бошлаб** тадбиркорлик субъектларига миқдори **10 миллион сўмдан** юқори бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун, агар тадбиркорлик субъекти ҳуқуқбузарликни инкор этса, **молиявий санкцияларни фақатгина суд тартибида қўллаш** амалиёти йўлга қўйилсин;

б) **2024 йил 1 январдан бошлаб:**

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ҳосилни суғурталашда **суғурта мукофотининг 50 фоизи миқдорида субсидия бериш** тартиби жорий этилсин;

**“Изланиш ва ривожланиш”** (R&D) марказлари учун улар ташкил этилган кундан бошлаб **3 йил муддатга** мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган сумма миқдорининг **1 фоизини** тўлаш, уларнинг ходимлари учун ижтимоий солиқ ставкасини **1 фоиз** миқдорида ҳисоблаш тартиби жорий этилсин;

давлат улуши **50 фоиздан** юқори бўлган ташкилотлар томонидан ҳар йили амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари қийматининг камида **5 фоизини облигациялар чиқариш орқали молиялаштириш** тартиби жорий этилсин.

**8.** 2024 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғини **тўлиқ қайтариб бериш тизими** қуйидагилар ҳисобидан кенгайтирилсин:

**хорижий туристларга – Ўзбекистон халқаро аэропортларида** Ўзбекистон ҳудудида сотиб олинган ва “Tax free” тизими бўйича расмийлаштирилган маҳсулотлар учун;

**тур-операторларга** – хорижий контрагентлар билан шартномалар доирасида кўрсатилган экспорт хизматлари учун.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари** маъқуллансин:

**Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини** ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари сифатида **энергетика, коммунал хўжалик, транспорт, экология, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа устувор соҳаларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари** ҳужжатларини **сифатли ишлаб чиқишни** белгилаш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан келиб чиқувчи давлатнинг тўғридан-тўғри ва шартли мажбуриятларини **мониторинг қилиш, бошқариш ва тартибга солиш тизимини амалиётга** татбиқ этиш;

Давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш ва ижроси бўйича ҳисоботларда **бюджет харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини** кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров):

а) **икки ҳафта** муддатда:

халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда **Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармаси фаолиятини самарали ташкил этиш** бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан юзага келиши мумкин бўлган давлатнинг **мажбуриятларини бошқариш ва тартибга солиш механизмларини белгиловчи** Ҳукумат қарори лойиҳаси;

б) **2024 йил 1 январга қадар** Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш **миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш** (маркировкалаш) **механизмларини** жорий этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин.

10. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 2а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 2б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** йўналиши доирасида:

а) **2023 йил 1 ноябрдан бошлаб:**

ижобий экологик экспертиза хулосасини олмаган объектларга нисбатан **молиялаштириш, кредитлаш ва бошқа молия операцияларини тўхтатиб туриш** механизми жорий этилсин;

экологик ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан зарарни қоплаш билан бир қаторда, зарар етказилган **табиат объектини тиклаш ва унинг муайян муддат даавомида муҳофаза қилинишини** таъминлаш мажбурияти юклансин;

б) **сув ресурсларини** муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида **2024 йил 1 январдан** бошлаб:

республиканинг узоқ муддатли **сув** баланси прогнозини юритиш, шу жумладан, уни ҳар йили янгилаш ва сув ресурсларини тежаш дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг, кейинчалик эса, **босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари** етиштирувчиларига **сувни тежайдиган технологияларни** жорий қилиш учун кредитлар **10 фоиз** ставкада (фоиз ставкаларини субсидиялаш ҳисобига) ажратилиши таъминлансин;

в) **атмосферага зарарли** ташланмалар ҳажмини камайтириш мақсадида халқаро **“карбон маркет”** тизими доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан барпо этиладиган **яшил майдонларни ташкил қилиш харажатларини қисман жалб қилинган грант маблағлари** ҳисобидан компенсация қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Бунда, барпо этилган **яшил майдон**лар (яйловларни озуқабоп экинлар билан, қишлоқ хўжалиги ерларини дарахтлар билан қоплаш) бўйича компенсациялар **иссиқхона газларини зарарсизлантириш даражасига** мутаносиб равишда ажратилади.

12. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 3-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 3а-иловага мувофиқ;

*Давоми 6 - бетда►*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ 2023 ЙИЛДА СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Охири. Боши 1 ва 5-бетларда

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 3б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш** йўналиши доирасида:

а) давлат хизматларини кўрсатишда **аҳолига янада қулайликлар яратиш ва ортиқча сансалорликларга барҳам бериш** мақсадида:

**2024 йил 1 январдан бошлаб аҳолига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматларини** кўрсатишда, шу жумладан, автомототранспорт воситаларини **давлат рўйхатидан ўтказишда** автомототранспорт воситасининг **олди-сотди шартномалари ва бошқа нотариал тасдиқланган битимларни** “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимидан олиш амалиёти йўлга қўйилсин ва ариза берувчилардан **мазкур ҳужжатларни талаб қилиш** тақиқлансин;

**2024 йил 1 мартдан бошлаб нотариал идорага келмасдан**, шу жумладан, **чет элдан туриб мол-мулкдан фойдаланиш** билан боғлиқ битимларни (мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишдан ташқари) **электрон рақамли имзодан фойдаланиб, видеоконференцалоқа орқали расмийлаштириш** тартиби йўлга қўйилсин;

б) **2024 йил 1 январдан бошлаб** босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда **“Маҳалла бюджети”** тизими жорий этилсин.

Бунда, туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгилансин;

в) **ташаббусли бюджет амалиётини ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2024 йилда** жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **10 триллион сўм,** шундан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун камида **4 триллион сўм** йўналтирилсин;

г) **2024 йил якунига қадар** қонунда белгиланган асосларда тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларига санкция бериш масаласини алоҳида судьялар – **тергов судьялари** томонидан кўриб чиқиш тартиби жорий этилсин;

д) тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни янада либераллаштириш мақсадида **2024 йил 1 январдан бошлаб:**

биринчи марта жиноят содир этган шахсни, агар у **суд маслаҳатхонага киргунига қадар** солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида **давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиш;**

тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўзғатилган ҳар бир жиноят иши бўйича тергов ҳамда суд жараёнида тегишли мансабдор шахс **жиноят иши материалларини иш юритувига қабул қилган вақтдан бошлаб** тадбиркорни ҳимоя қилишга Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, тадбиркорлик субъекти аъзо ҳисобланган бошқа ташкилотни **жамоат ҳимоячиси сифатида жалб этиши** (хабар қилиш) тартиби жорий этилсин;

е) **2024 йил 1 январдан бошлаб** аҳоли пунктларида барча янги қурилаётган икки ва ундан ортиқ полосали автомобиль йўлларида пиёдалар ўтиш йўлакларини светофорлар билан тўлиқ жиҳозлаш мажбурий этиб белгилансин.

14. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 4а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 4б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатини изчил давом эттириш** йўналиши доирасида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг учрашуви юқори савияда ўтказилишини таъминласин.

16. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 5-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 5а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 5б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **мунтазам равишда:**

**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш натижаларининг** оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

**“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган барча тадбирларнинг ижроси ва натижалари** тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Қарор ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 сентябрь

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА РАҒБАТ

# “ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ПОСБОНИ” КЎКРАК НИШОНИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 04.09.2023 йилнинг 444-сон қарори билан “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони таъсис этилди.**

**Низомга мувофиқ “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони билан:**

*– мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини умуммиллий ҳаракатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшган барча даражадаги идора ва ташкилотлар ҳамда жамоатчилик вакиллари;*

*– жисмоний фаолликни кундалик одатга айлантириб, уни ўз жамоаси ва аҳоли орасида тарғиб қилишда алоҳида намуна бўлаётган шахслар ва спорт мураббийлари;*

*–зарарли одатларнинг олдини олиш, бартараф этиш, уларга қарши курашишда ижобий натижаларга эришган ва жамоатчилик назоратини самарали ташкил этишда фаоллик кўрсатган фуқаролар;*

*– аҳолининг соғлом овқатланишини йўлга қўйиш учун етарли шарт-шароитлар яратган шахслар;*

*–ҳududнинг санитария-эпидемиологик осойишталиги, атроф-муҳит тоза ва озодалигини таъминлаш, аҳолида санитария-гигиеник кўникмаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш орқали касалликларнинг олдини олишга эришган мутахассислар;*

*– сурункали касалликлар профилактикасида хавф омилларини бартараф этиш ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиришга ундайдиган долзарб материаллар тайёрлаган оммавий ахборот воситалари вакиллари;*

*–профилактик тиббиётни ривожлантиришга ва бу йўналишда малакали кадрларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган тиббиёт соҳаси ходимлари ва бошқа мутахассислар.*

*– Кўкрак нишони билан Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.*

*– Ҳудудий соғлиқни сақлаш идоралари, республика даражасидаги давлат органлари, ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари ҳар йили 1 октябрга қадар кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади.*

*– Номзодларни кўриб чиқиш учун 5 кишидан иборат комиссия тузилади.*

*– Комиссия хулосаси асосида соғлиқни сақлаш вазирининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 1 ноябрга қадар чиқарилади.*

*– Кўкрак нишони ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси – Тиббиёт ходимлари куни арафасида вазир томонидан тантанали тарзда топширилади.*




**Кўкрак нишони билан тақдирлаш, истисно тариқасида, вазирнинг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.**

**Кўкрак нишони билан тақдирланганларга БҲМнинг 4 баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.**

**Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.**

@ssvuz.

МУНОСАБАТ

# АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

***Мамлакатимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, соҳани жаҳон андозаларига мослаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тизимли ва кенг кўламли ишлар қилинмоқда.***



**Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ҳам соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, соғлиқни сақлаш вазирлигининг келгуси фаолиятида муҳим дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

Ушбу ҳужжат соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарувни такомиллаштириш, соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлигини ошириш, ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг келгуси истиқболларини белгилаш орқали тиббий хизмат сифати ва кўламини кенгайтириб боришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фармон билан Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти ташкил этилиши белгиланди. Бу албатта, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг тиббий маданиятини ривожлантириш борасидаги ишларни мувофиқлаштирган ҳолда, унинг самарадорлигини ошириш имконини кенгайтиради.

Шунингдек, ушбу институт ташкил этилаётганининг яна бир муҳим жиҳати – тиббий статистикани шакллантириб, статистик кўрсаткичларни мунтазам таҳлил қилган ҳолда, илғор ва мақбул хорижий тажриба асосида соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг устувор йўналишлари, соҳанинг ривожланиш сценарийлари ва стратегиялари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишидир.

Бундан ташқари, "2024-2026 йилларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланишни тизимли тарғиб қилиш ва оммалаштириш дастури" ҳамда "Аҳоли саломатлиги – 2030" миллий стратегияси ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Уларда белгиланаётган чора-тадбирлар бирламчи тиббий–санитария хизматини аҳолига янада яқинлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тизимни тўлиқ рақамлаштириш, кадрлар салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, тизимда қоғозбозлик, бюрократия ва беморларнинг навбат кутиб қолишига чек қўяди.

Қайд этиш жоиз, Фармон билан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига ўтказиляпти. Бу ўз навбатида, соҳага ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилишини тезлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини янада кенгайтириш ва ундан барча ҳудуд аҳолиси тенг фойдаланиши учун замин яратади.

Шу билан бирга, тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича алоҳида фаолият юритиб келган жамғармаларни бирлаштирган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этиладиган бўлди.

Жамғарма маблағлари тиббиёт муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик масалалари, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликка чалинган беморларга мамлакатимизда ва хорижда юқори технологик тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикамизда амалга оширилмайдиган жарроҳлик амалиётларини хорижда ўтказиш билан боғлиқ харажатларга сарфланади. Бу каби йўналишларнинг ягона жамғарма маблағлари орқали амалга оширилиши масаланинг аҳамиятидан келиб чиқиб, маблағларнинг мақсадли сарфланиши, муаммоларнинг ўз вақтида ечилишида муҳим аҳамият касб этади.

**Мухтасар қилиб айтганда, белгиланган вазифалар соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этиш, тиббий хизмат қулайлиги, сифати ва самарадорлиги янада яхшилашга хизмат қилади.**

# БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ — ЎЗБЕК ТИББИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ ислоҳотлар охирги 6-7 йилда кенг бўй кўрсатмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Болалар миллий тиббиёт маркази Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги энг ноёб лойиҳалардан биридир.***

Ушбу марказ 130 миллион доллардан зиёд маблағ ҳисобига барпо этилган, тўлиқ замонавий тиббий жиҳозлар билан жиҳозланган. Магнит резонанс томографи, мультиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни бир неча йил олдин аниқлайдиган замонавий технологиялар шулар жумласидан. Бу ерда самарали фаолият юритиш учун 100 дан ортиқ врач ва ҳамширалар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтишди. Жарроҳлик амалиёти ускуналарига махсус камера ўрнатилган. Мақсад – бошқа шифохоналар ва олий таълим муассасалари бу ерда ўтказиладиган жарроҳлик амалиётларини онлайн тарзда кўриб туриши, замонавий технологиялар орқали масофавий тиббий кўриклар ҳамда консилиумлар ташкил этиш имконияти яратишдир.Айни пайтда ушбу тиббий масканда йилига 3 мингдан зиёд ноёб жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида болаларда илк бор умуртқа поғонаси қийшиқлиги (сколиоз) касаллигининг радикал коррекцияси амалиёти йўлга қўйилиб, 30 га яқин беморда ушбу амалиёт ўтказилиб, соғломлаштирилди. Ваҳоланки, бугунги кунга қадар мазкур амалиётлар болалар фонди орқали Туркия ва Ҳиндистон давлатларида 20-25 минг АҚШ доллари эвазига амалга оширилиб келинган.

Шунингдек, жорий йил давомида марказда биринчи марта болаларда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти маҳаллий мутахассислар иштирокида амалга оширилди. Қолаверса, ўтган июль ойида Ўзбекистонда биринчи маротаба қон раки (оққон) касаллигига чалинган болаларда суяк кўмиги аутотрансплантацияси амалиёти Ҳиндистон ва Беларусь давлатларидан келган мутахассислар билан ҳамкорликда муваффақиятли амалга оширилди.

Марказда бажарилган ушбу амалиётга бор йўғи, 10 минг АҚШ доллари сарфланди. Ваҳоланки, мазкур операция ҳозирги кунда чет мамлакатларда жумладан, Туркия ва Беларусь давлатларида 120-170 минг АҚШ доллари эвазига амалга оширилишини инобатга олсак, юртимиз тиббиёт муассасида ушбу амалиётни йўлга қўйилиши тиббиёт соҳасида эришилган катта ютуқларимиздан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда суяк кўмиги аутотрансплантацияси амалиётини йилига 70 тагача етказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон тарихида илк бор жорий йилда Нукус шаҳрида бир кунлик чақалоқда марказ мутахассислари иштирокида туғма нуксон ҳисобланган экстрофия ва эписпадия комплекс касаллигини жарроҳлик даволаш амалиёти ўтказилди.

2022 йил давомида 1 000 га яқин, жорий йилнинг ўтган даврида 1 200 та кардиожарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар натижасида Қашқадарё ва Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар шифохоналари таркибида марказ филиали сифатида болалар кардиохирургия бўлимлари ташкил қилиниб, жорий йил давомида 20 дан ортиқ беморда кардиожарроҳлик амалиётлари бажарилди.

Марказ мутахассисларини хорижда тажрибасини янада оширишга ҳам алоҳида эътибор қилинаётир. Биргина ушбу йилда урологик ва пластик хирурглардан иборат жамоасининг чет давлатлар билан ўзаро алоқалари натижасида мутахассисларнинг малака ошириш тизими йўлга қўйилди. Жумладан, улар Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Россия давлатларига бориб жарроҳлик амалиётлари ўтказишмоқда. Ўз навбатида ушбу давлатлардан мутахассислар келиб Республика болалар миллий марказида ўз билим-кўникмаларини оширмоқда.

Қувонарли томони шундаки, Болалар миллий тиббиёт марказида қўлланилаётган кам инвазив даволаш усуллари беморларни қисқа муддатда ва асоратсиз оёққа турғазишга хизмат қилмоқда. Жаҳон стандартларига мос, энг илғор технологиялар билан жиҳозланган, етук ва малакали мутахассислар жамланган ушбу муассаса сўнгги 25 йил ичида ўз қобиғига ўралиб қолган ўзбек тиббиётини бутунлай янги босқичга олиб чиқишга ҳисса қўшди.



**Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**Бу эса мазкур марказнинг, энг аввало, Президентимиз айтганидек, оддий халқ, уларнинг фарзандлари саломатлиги учун бунёд этилгани ва фаолият олиб бораётганини англатади. Зеро, бугун давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган энг муҳим талаб ҳам шу: инсон қадрини улуғлаш, тиббиётни халққа яқинлаштириш ҳамда жондан азиз фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол улғайишлари учун мустаҳкам пойдевор яратишдир.**

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ БАРДАВОМ МАНЗИЛЛАРИ

←Охири. Боши 1-бетда

Нуфузли анжуманни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов кириш сўзи билан очиб, икки давлат ўртасидаги халқаро ҳамкорликнинг мазмун ва моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалар тўғрисида тўхталиб, бу каби кенг аудиториядаги анжуманлар инсон саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, тадбир иштирокчиларини нуфузли анжуман билан самимий қутлади. Сўнгра АҚШ соғлиқни сақлаш ва инсон хизматлари департаменти раҳбари ўринбосари Андреа Палм онлайн видеомурожаат йўллаб, икки мамлакат ўртасидаги тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

**Тадбирда иштирок этган** соҳа вакиллари ўзларининг қуйидаги фикрларини баён этдилар.

**Александр Миллман, АҚШ юқумли касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази (CDC)нинг Марказий Осиё бўйича раҳбари:**



–Ўзбекистонлик ҳамкор идоралар билан биргаликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқдамиз. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга йўлга қўйилган қатор лойиҳа ва дастурларимиз самарали кечмоқда. Айниқса, бугунги кунда сил касаллигига қарши кураш борасида муҳим ишларни амалга оширяпмиз. Бу борада лаборатория текширувларини самарали ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга.

**Джонатан Хеник, АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси**:



– Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз узоқ тарихга эга. Биз соғлиқни сақлаш соҳасида нафақат бугунги кундаги муаммолар, балки келажакда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларга қарши курашиш борасида ҳам ҳамкорлик қиляпмиз. Ўзаро алоқаларимиз фармацевтика, лаборатория тадқиқотлари, кадрлар тайёрлаш каби кўплаб йўналишларни ўз ичига олади. Таъкидлаш жоизки, бу ҳамкорлигимиз ҳам давлат ташкилотлари даражасида, ҳам хусусий секторда жадал ривожланяпти. АҚШнинг хусусий компаниялари мамлакатингизга инвестиция киритишга катта қизиқиш билдирмоқда. Бундан ташқари, ўзаро билим ва тажриба алмашиш мақсадида давлатларимиз тиббий олий таълим муассасалари ўртасида академик алмашинувлар, таълим дастурлари йўлга қўйилган. Мен Ўзбекистон Президенти ёшларни инглиз тилига ўқитиш масаласига алоҳида аҳамият қараётганини олқишлайман. Бу тиббиёт соҳасида ҳам катта имкониятлар эшигини очади.

**Девид Хофман, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ўзбекистондаги раҳбари:**










– Силга қарши курашиш ва фармацевтика – Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишларидан. Мамлакатингизда “Дори воситалари сифатини рағбатлантириш+” дастурини амалга оширяпмиз. USAIDнинг техник кўмагида Ўзбекистон дори воситаларини ЖССТ рўйхатидан муваффақиятли ўтказди. Умуман олганда, сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати фармацевтика маҳсулотлари учун халқаро сифат стандартларини жорий этиш, ушбу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал тартибга солиш бўйича улкан ишларни амалга оширди. Келгусида пандемияга қарши янги тайёргарлик ва глобал соғлиқни сақлаш хавфсизлиги йўналишларида ҳам ҳамкорлик қилишни режалаштирганмиз. Илк бор ўтказилаётган Ўзбекистон – АҚШ соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган ушбу анжуман тиббиёт соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлигимиз тарихида янги саҳифа очишга хизмат қилади.

Ўзбекистон – АҚШ соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида бўлиб ўтаётган йирик анжуман давомида бир гуруҳ америкалик ҳамкорлар "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони ҳамда яна бир гуруҳ америкалик ҳамкорлар вазирликнинг махсус ташаккурномалари билан тақдирланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ тиббий олий таълим муассасалари, тиббиёт марказлари ва фармацевтика корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумларини имзолашди. Анжуман доирасида Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Ўзбекистон – АҚШ соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида океанорти мамлакатининг бир қатор ҳамкор ташкилотлари вакиллари билан икки томонлама мулоқотлар ўтказди.



Ҳафталик доирасида ўзбек ва америкалик мутахассислар иштирокида операциялар, маҳорат дарслари, тиббий таълим борасида фикр алмашинувлар бўлиб ўтди. Бунинг баробарида Болалар миллий тиббиёт марказига АҚШнинг Тенесси давлат университети клиникасидан ташриф буюрган кардиохирург, реаниматолог, анистезиолог каби қатор мутахассисликдаги 18 нафар америкалик шифокор марказ мутахассислари билан ҳамкорликда жарроҳлик амалиётлари ва маҳорат дарслари олиб боришди. Андижон давлат тиббиёт институтида ҳам америкалик мутахассислар билан учрашув ўтказилди. Мулоқотда Case Western Reserve университетининг юрак-торакал жарроҳлик бўлими бошлиғи Яков Элгудин ҳамда психиатр Лариса Элгудин бундай тадбирлар ҳамда халқаро ўқитувчилар ва талабалар алмашинувлари тиббиёт соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Эътирофлиси шундаки, ҳафталик доирасида нафақат юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ва ўзаро малака алмашинувлари, балки ҳамширалар ўртасида тажриба алмашиш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш йўналиши бўйича ҳам тадбирлар олиб борилди. Жумладан, Болалар миллий тиббиёт марказида ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятига бағишланган тадбир ҳам бўлиб ўтди.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби юқори даражадаги халқаро анжуманлар икки мамлакат соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳамкорлик борасида олиб борилаётган фаолиятларнинг янада такомиллашувида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.**

Саҳифа Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

# США ВКЛЮЧАТ УЗБЕКИСТАН В ГЛОБАЛЬНУЮ ПРОГРАММУ БЕЗОПАСНОСТИ В ЗДРАВООХРАНЕНИИ

**Узбекистан станет одной из 50 стран-партнёров Глобальной программы безопасности в области здравоохранения США. Соглашение об этом подписано в Ташкенте. Минздрав и USAID также заключили новый меморандум по расширению доступа к безопасным и качественным лекарствам.**



Между Узбекистаном и США в пятницу были подписаны два важных документа в области здравоохранения. Подписание состоялось в Ташкенте на первом Узбекско-американском форуме в области здравоохранения.

Согласно соглашению, подписанному министром здравоохранения Амрилло Иноятовым и послом США Джонатаном Хеником, Узбекистан становится одной из 50 стран-партнёров американской Глобальной программы безопасности в области здравоохранения, которым США оказывают усиленную поддержку в этой сфере.

Эта программа направлена на устранение пробелов и укрепление потенциала стран в области безопасности здравоохранения для предотвращения, обнаружения и реагирования на угрозы безопасности здоровья.

*«Включение в эту программу откроет двери для дополнительного финансирования со стороны США для предотвращения распространения болезней, укрепления цепочки поставок и улучшения готовности к возможным будущим пандемиям», –* ***отметил посол США в выступлении на форуме.***

**Он отметил,** что у Узбекистана и США долгая история совместной работы в сфере здравоохранения. Сотрудничество с USAID в этой области длится уже 30 лет, а с Центрами по контролю и профилактике заболеваний США (CDC) – 20 лет. За три десятилетия США инвестировали в здравоохранение Узбекистана более 175 млн долларов.

В 2020 году США расширили это сотрудничество в рамках борьбы с коронавирусом. Узбекистану было предоставлено почти 10 миллионов вакцин против COVID-19 и выделено 18 млн долларов на усилия по борьбе с этой инфекцией.

«Мы не только работаем над текущими вызовами в сфере здравоохранения, но и над наращиванием потенциала сотрудников и системы здравоохранения для ответа на новые и будущие вызовы», **– сказал Джонатан Хеник.**

*Посол сообщил, что недавнее серологическое исследование показало, что 98% населения Узбекистана имеет антитела к коронавирусу. «Это подтверждение успешной кампании по вакцинации, проведённой правительством Узбекистана», –* ***отметил он.***

Другим крупным направлением, в котором сотрудничают страны, является борьба с туберкулёзом, особенно с устойчивым к лекарствам. С 2015 года США через Агентство по международному сотрудничеству (USAID) выделили 50 млн долларов на мероприятия по укреплению системы выявления, лечения и предупреждения туберкулёза в Узбекистане.



**Министр здравоохранения Амрилло Иноятов и директор миссии USAID в Узбекистане Дэвид Хоффман также подписали Меморандум** о взаимопонимании между USAID и Центром безопасности фармацевтической продукции при Минздраве по расширению доступа к безопасным и качественным противотуберкулёзным и другим лекарствам в Узбекистане.

Документ позволит расширить доступ к безопасным и качественным лекарствам, которые люди могут использовать с уверенностью и которые будут всё больше производиться в самом Узбекистане, отметил глава миссии USAID.

*«Качество лекарств остаётся глобальным вызовом. Согласно исследованию Всемирной организации здравоохранения, около 10% лекарств в странах с низким и средним уровнем дохода, к сожалению, не отвечают международным стандартам качества. Это угроза и политике, и общественному здравоохранению», –* ***отметил Дэвид Хоффман.***

Сотрудничество Узбекистана и США в фармацевтической отрасли ежегодно растёт. Если в 2016 году взаимная торговля в этом секторе составила 3,5 млн долларов, то в 2021-м – уже 32 млн долларов.

«Я очень рад отметить, что некоторые производители в Узбекистане впервые достигают стандартов ВОЗ и способны выпускать противотуберкулёзные препараты, которые могут использоваться не только в Узбекистане, но и прошли предварительную квалификацию для международных закупок и экспорта за границу», **– отметил Дэвид Хоффман.**

В рамках своей программы «Продвижение качества лекарственных средств +», реализуемой Фармакопеей США (неправительственная организация, устанавливающая государственные стандарты США для лекарств), USAID сотрудничает с партнёрами в Узбекистане для устойчивого укрепления систем обеспечения качества лекарственных средств и улучшения доступа к основным лекарственным средствам и медицинским изделиям гарантированного качества.

**Gazeta.uz**

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ

# KOICA ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ УЧУН ГРАНТЛАР ПАКЕТИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъулларидан иборат делегация Корея Республикасига сафарининг дастлабки кунида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) нинг Евро-Осиё бошқармаси бош директори Чун Чжихен билан учрашди.**

Мулоқотда таъкидланганидек, KOICA ривожланаётган давлатларга беғараз ёрдам дастурларини амалга оширишда яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Ташкилот хорижий давлатларда 50 га яқин ваколатхонасига эга. Хусусан, 1995 йилда Ўзбекистонда ҳам ўз ваколатхонасини очган. Айни пайтда мамлакатимизда мазкур нуфузли ташкилот билан 9 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бу орқали кўплаб мутахассисларимиз, хусусан, тиббиёт ходимлари ҳам Кореяда стажировкада бўлиб қайтмоқда. KOICA лойиҳа ва грантлари иштирокчисига айланяпти. Жумладан, яқинда пойтахтимиздаги Болалар миллий тиббиёт марказига Сеул миллий университети шифохонасидан бир гуруҳ тиббиёт соҳасидаги мутахассислар ташриф буюриб, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан марказнинг педиатрия тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш бўйича тренинглар ва маҳорат дарсларини ўтказди.

Урашувда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш учун грант дастурлари пакетини кенгайтириш, Тошкент тиббиёт академияси негизида санитария-эпидемиология хизмати ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизими ходимларини тайёрлашга қаратилган миллий дастурни амалга оширишга 15 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратишни жадаллаштириш бўйича меморандум имзоланди. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг эпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш ва касалликлар тарқалишига жавоб бериш қобилиятини ошириш ҳамда Тошкент тиббиёт академияси негизида замонавий виварий ва илмий-тадқиқот лабораториясини ўз ичига олган "Инновацион тиббиёт маркази"ни ташкил қилиш лойиҳалари кўриб чиқилди.



**Бинобарин, мезбонларни жорий йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Ўзбекистон – Корея халқаро тиббиёт форумида ташкилотчи ҳамкор сифатида қатнашишга таклиф этилди.**

**@ssvuz**

№34-35 (1469)
2023 yil 14-sentyabr
O'zbekistonda sog'liqni saqlash
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

ЯНГИ ЎҚУВ БИНОСИ

# ТАЛАБАЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР




***Мамлакатимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, соҳани жаҳон андозаларига мослаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тизимли ва кенг кўламли ишлар қилинмоқда.***

Тошкент тиббиёт академияси нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон тиббиётига олий маълумотли етук мутахассислар тайёрлайдиган юртимиздаги таянч тиббий олий таълим муассасаси ҳисобланади. Бу ерда кадрлар салоҳиятини ошириш, талабаларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш ва ўқув жараёнини самарали ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.Бунинг амалий ифодаси сифатида бугун академиянинг янги реконструкция қилинган бош ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаментининг раҳбари Одил Абдурахманов, Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов, шунингдек, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ҳамда талаба ва ўқитувчилар иштирок этди. Таъкидланганидек, бугун Президентимиз томонидан олиб борилаётган барча ислоҳотлар негизида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдек эзгу мақсад ётади. Буни эса Тошкент тиббиёт академияси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айтиш лозимки, фойдаланишга топширилган янги бинода 8 та кафедра, 10 та бўлим, маъмурият ҳамда бошқа маиший ҳудудлар жойлашган бўлиб, 3000 нафар талаба таҳсил олади. Иншоотда 148 та ўқув аудиториялари, 10 та смарт маърузa заллари, 60 нафар болажонга мўлжалланган боғча, 500 нафардан ортиқ талабанинг мустақил тайёргарлиги учун ижтимоий зоналар ҳамда 520 ўринли овқатланиш шохобчаси мавжуд. Хусусан, бинонинг биринчи қаватида Симуляцион марказ ва 3 та электрон микроскоп лаборатория ташкил этилган. Япониянинг энг замонавий лаборатор ускуналари билан жиҳозланган симуляцион марказда бакалавриат ва магистратура босқичи битирувчилари амалий кўникмаларни ўзлаштириш имконига эга. Мазкур бўлим турли клиник вазиятларни тақлид қилувчи манкенлар ва симуляторлар билан жиҳозланган бўлиб, шошилинч тиббий ёрдам, реанимацион, жарроҳлик, педиатрия, терапевтик мутахассисликлар ҳамда анъанавий тиббиёт каби 10 та ўқув аудиторияларини ўз ичига олади. Шунингдек, бинонинг иккинчи қаватида Рақамли тиббиёт маркази жойлашган. Бу ердаги Тест марказида талабалар ўртасида имтиҳон синовларини ўтказиш, мустақил тайёргарлик кўриш учун 24/7 тартибда ишловчи 200 ўринли виртуал кутубхона ва компьютер синфлари мавжуд.







Телемедицина ёки масофавий тиббиётга бағишланган бўлимда талабаларга дистанцион тиббий хизмат тизимида ишлаш, электрон поликлиника ва стационар бўлимда эса электрон тизим орқали беморни рўйхатга олиш, маслаҳат бериш, кундалик холидан хабар олиш ҳамда электрон карта тўлдириш ўргатиб борилади. Шунингдек, бинонинг еттинчи қаватида Биотиббиёт технологиялари маркази ташкил этилиб, тиббий генетика, ҳужайра технологиялари, иммунология, электрон микроскопия, фармакотоксикология, экологик лаборатория ва илмий мактаблар мавжуд. Ушбу қаватда жойлашган Технопарк ва саккизинчи қаватдаги рақамлаштирилган Ахборот ресурс маркази ҳам талабаларнинг билим олиши ва ўз устида изланишлари учун кенг имкониятлар яратади.

**Очилиш маросимидан сўнг меҳмонлар янги бинонинг имкониятлари билан яқиндан танишиб, Симуляцион марказ ва бошқа бўлимлар фаолиятига юқори баҳо беришди.**

**Намозжон ТОЛИПОВ.**

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

# ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2023 йил 11 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни назарда тутувчи, шунингдек болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўювчи ўзгартишлар киритилмоқда.



Бундан ташқари, Қонун хотин-қизлар ва болаларга нисбатан шилқимлик ҳамда зўравонликнинг олдини олишга, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади ва болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман-шаҳарлар комиссиялари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратишга хизмат қилади.

**Иброҳимжон ТУРСУНОВ,**
**Фарғона вилояти Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси.**

МЕҲНАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

# БЕМОРЛАР ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИБ...

***“Фалокат оёқ остида” деганлари бежиз эмас экан. Ишдан чиқиб, катта йўлдаги светофорнинг яшил чироғида пиёдалар йўлагидан ўтаётганимда йўлак олдида тўхтаб турган машиналардан бири бехосдан силтаниб, олдинга интилди... Ҳаммаси кўз очиб юмгунча бир сония ичида содир бўлди, тушимга ҳам кириб чиқмаган воқеалар бўлиб кетди. Ҳар тугул, автомобиль ҳайдовчиси инсофли экан, мени шу аҳволда ташлаб қочиб кетмади, зудлик билан шифохонага етказди. Хуллас, шу тариқа йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ўнг оёғимнинг болдир суяги синиб, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказига келтирилдим.***



Марказ шифокорлари жароҳатимни кўздан кечириб, зудлик билан операцияга олишди. Операция шахсан Марказ директори, профессор Муроджон Эргашевич ва унинг ҳамкасблари томонидан муваффақиятли амалга оширилди. 2023 йилнинг 21-31 июль кунлари Марказда шифокорларнинг назоратида тўлиқ даволандим.

Инсон соғлом пайтида, одатда шиддат билан кечаётган кундалик турмуш ташвишлари билан банд бўлиб, ҳамма нарсага ҳам унчалик эътибор беравермайди. Ҳеч кимнинг бошига тушмасин-у, лекин одам мана шундай ҳеч бир кутилмаганда тўшакка михланиб қолса, дунёга бошқача теран назар билан қарар экан. Шифокорнинг бир оғиз ширин сўзи, қўллаб-қувватловчи далдаси ҳам кўнглингни тоғдек кўтараркан... Мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган инсон қадри, унга бўлган ҳақиқий эътибор фақат сўзда эмас, балки амалдалиги мана шундай кунларда билинди...

Марказда даволанишим давомида беморларнинг дардига дармон бўлиб, буюк Ибн Сино бобомиз айтганидек, эзгулик ва олижанобликнинг юксак намунасини кўрсатиб келаётган Марказ директори, **профессор Ирисметов Муроджон Эргашевичга нисбатан менда чуқур эҳтиром ҳисси уйғонди.** Ўз ишининг моҳир устаси, тажрибали шифокор, қўли гул жарроҳ Муроджон Эргашевич травмотология ва ортопедия соҳасида бой тажриба ва чуқур билимга эга бўлиш баробарида ҳамкасблари даврасида улар билан ўз тажрибасини бажонидил ўртоқлашадиган, шогирдларига ҳамиша ёрдамга шай, ниҳоятда камтарин, беморлар билан кўнгилчан ва ширинсухан инсон экан. Унинг билан бўлган ҳар бир учрашув ўзгача мазмун-моҳияти билан ёдимда қолди. Шифокорнинг ҳар бир сўзи, берган далдаси дардимга дармон бўлаверди гўё...

Муроджон Эргашевич раҳбарлик қилаётган марказнинг энг замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланганлиги оддий бир бемор сифатида мени ҳайратга солди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга оширилаётганлигини ўз кўзим билан кўрдим, кўнгилсиз ҳодиса туфайли бўлса-да, буларга шахсан гувоҳ бўлдим ва кўрганларим билан фахрландим ҳам. Яратилган бу улкан шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, уларни Марказнинг халқ саломатлиги йўлидаги фаолияти даражасини кўтаришга қаратган, ҳар бир беморга сифатли ва маданиятли тиббий хизмат кўрсатишга бел боғлаган Муроджон Эргашевич раҳбарлигидаги бу улкан жамоанинг малакаси ва матонатига тан бердим. Айниқса, мен даволанган катта ёшлилар травматологияси бўлинмасида ўрнатилган қатъий тартиб-интизом, хоналарнинг озода-покизалиги, доимий сариштали, тиббий ходимларнинг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашувлари, меҳнатсеварлиги ва беморларга нисбатан хайриҳоҳлиги, кўрсатаётган меҳр-муҳаббатлари, уларнинг юзидаги табассум, далдалари барча даволанувчилар қалбида миннатдорлик ҳисларини уйғотганлиги шубҳасиз. **Даволовчи шифокор - бўлинманинг врач-ординатори, олий тоифали врач Сопаев Зинат Эгамбердиевичнинг ўз ишининг устаси эканлиги,** меҳнатсевар ва ниҳоятда самимий инсонлиги, бемор учун дилдан жон куйдириши ва у билан доимо ҳамнафаслиги эътиборимни тортди. Унинг бемор ҳолатини ҳар куни ҳеч бир майда-чуйда тафсилотларни ҳам кўздан қочирмай, диққат-эътибор билан ўрганиши ва белгилаб бераётган муолажалари сабаб қундан-кунга тезроқ соғайиб, куч-қувватга тўлаётганлигимни ҳис қилиб бордим.

**Бу ерда ишни моҳирлик билан ташкил этаётган бўлинма раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Азиз Пулатович Алимовнинг хизматларини, ташкилотчилик қобилиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.** Бўлинманинг врач-ординатори, тиббиёт фанлари номзоди Дилшод Шамшиметов, катта ҳамшира Озода Икромова, ҳамширалар Элнора Конисова, Азиза Бейбитова, Дилором Кидирова ва орастабону Мадина Холиковалар сидқидилдан қилаётган шарафли меҳнати, беморларга эътиборли муносабати ва хайриҳоҳлиги туфайли уларнинг олқишига сазовор бўлмоқдалар.





Даволаниш жараёнида Марказга шошилинч келтирилаётган беморларнинг турлича оғирликдаги аҳволи ва уларга зудлик билан кўрсатилаётган тиббий ёрдам, узлуксиз равишда кетма-кет ўтказилаётган операциялар ва доимо ёрдамга шай шифокорларнинг баъзан ҳорғин, лекин ўз иши натижасидан мамнун, кулиб турган, истарали чеҳраларини кўрганда, бу марказда фақат ўз ишига ва шифокорлик бурчига чин дилдан содиқ, бор меҳр-муҳаббатини шарафли касбига берган, ҳақиқий фидойи инсонлар ишлар экан, деган хулосага келдим. Шу боис уларнинг барчасига халқ саломатлиги йўлида фидойилик билан қилаётган самарали меҳнатлари учун чуқур ва самимий миннатдорчилик билдираман!

Чуқур эҳтиром билан ушбу сатрларни ёзаётганимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги байрами муносабати билан давлат мукофотлари билан тақдирланганларнинг матбуотда эълон қилинган рўйхатига кўзим тушиб қолди. Буни қарангки, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Ирисметов Муроджон Эргашевич «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланибди! Бу хушхабардан, очиғи, бошим кўкка етди. Ҳа, дарҳақиқат, ўз меҳнати билан элда эъзоз топганлар мана шундай эътироф этилиши керак, албатта.

**Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек тиббиёти ривожига ўзининг муносиб ва салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган, эл суйган шифокор Ирисметов Муроджон Эргашевич ва унинг ишчан ҳамда ўз касбига фидойи улкан жамоасини бу қутлуғ мукофот билан шахсан ва барча беморлар номидан муборакбод этаман! Уларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётларида бахту-саодат, шарафли касбларида янада улкан зафарлар тилайман!**

**Эгамберди АБДУМАЛИКОВ,**
**давлат хизматчиси.**

---

БИЗ СИЗДАН ШИФО ТОПДИК...

## ТИББИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ БАРДАВОМ БЎЛСИН

Тиббиётдаги изчилислоҳотлар ҳақида эшитамиз, ўқиймиз. Аммо кўз билан кўриш бошқача экан. Наманган тумани тиббиёт бирлашмасига даволаниш учун келдим-у, ростакам ҳайратда қолдим. Ҳамма-ҳаммаси янгича. Бинолар чароғонлигидан бахри дилингиз очилади. Хоналардаги тиббий буюмлар, жиҳозлар ҳам замонавий. Энг ноёб аппаратларнинг бири бемор дардини дарҳол аниқласа, бири муолажасини бажаряпти. Уларни бошқараётган врачлар-у ҳамширалар чечан-у чаққон, укувли-ю уддабурон, аниқ ва тез ҳаракатларида зеҳну заковатлари намоён.

Терапия бўлимида даволанар эканман, айниқса, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш бениҳоя тараққий этганлигига қайта-қайта иқрор бўлдим. Бўлим мудири Дилфуза Абдурайимова, врач Шуҳратжон Аҳмедов, ҳамширалар Дилдора Сиддиқова, Раъно Абдурайимова, кичик тиббиёт ходимлари Зулхумор Қаюмова, Муслима Нажмиддинова каби фидойилардан иборат жамоа бор куч, билим, ақлу шуурини ҳар бир беморнинг қадр-қимматини улуғлашга қаратган.

**Мен ана шу ғамхўрликлардан баҳра олаётганлар номидан барча саломатлик посбонларига раҳмат айтиш билан бирга тиббиётимиз тараққиёти бардавом бўлсин! – дея тилак билдираман.**

**Фахриддин АҲРОРОВ.**
**Наманган тумани,**
**Шамсиқўл қишлоғи.**

МАЛАКА ТОИФАСИ

# ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Президентимизнинг 2023 йил 20 июндаги тегишли қарорига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг назарий билимлари, амалий кўникмалари, касбий маҳоратини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш функцияларини амалга оширувчи Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази ташкил этилди.**

**Қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:**

*– тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакаларини баҳолаш ва уларга малака тоифаларини бериш, бу борада мутахассислар билими, кўникмалари ва қобилиятларини объектив баҳолашнинг замонавий услубларини жорий қилиш;*

*– тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ўз малакаси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириб боришида кўмаклашиш;*

*– аттестацияларни ўтказиш ва малака тоифалари бериш бўйича меъёрий–ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали унинг шаффофлигини таъминлаш;*

*– тиббиёт ва фармацевтика ходимларига қўйиладиган амалдаги талабларни таҳлил қилиш ва замонавий малакавий талабларни ҳамда уларни рўйхатдан ўтказишнинг норматив – ҳуқуқий базасини яратишда иштирок этиш.*

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи билан тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малака тоифаси олиш бўйича ҳужжат топшириш ва аттестациядан ўтказишнинг мутлақо янги шаффоф ва адолатли тизим асосида ташкил этиш тартиби тасдиқланди.

**Унга кўра:**

*– малака тоифасини бериш бўйича аттестацияларнинг онлайн тартиби жорий йилнинг сентябридан бошлаб, синов тариқасида врач ва фармацевтларга, 2024 йил 1 январдан бошлаб, барча тиббиёт ва фармацевтика ходимларига босқичма–босқич жорий этилади;*

*– малака тоифаси бериш бўйича тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ҳужжатларини электрон шаклда қабул қилиш ва уларга электрон сертификатлар расмийлаштирилишини йўлга қўйиш учун "Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси бериш бўйича аттестациядан ўтказиш ва уларга сертификат бериш" ягона ахборот тизими (tibtoifa.ssv.uz) яратилди ва 2023 йил 11 сентябрдан тажриба синов тариқасида жорий этилади.*

*Эндиликда малака тоифаси бериш бўйича тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ҳужжатлари фақат электрон шаклда tibtoifa.ssv.uz ахборот тизими орқали қабул қилинади.*

*– Бунда, ҳужжат топшириш учун ҳар бир тиббиёт ва фармацевтика ходими Ягона идентификация тизими (OneID)да id.egov.uz ҳаволаси орқали рўйхатдан ўтиши лозим.*

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси бериш бўйича ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари йиғилиши жадвали тузилди, тасдиқланди ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ssv.uz ҳамда марказнинг tmbm.ssv.uz расмий веб-сайтларида эълон қилинди. Малака тоифаси бериш бўйича аттестациялар жорий йилнинг 16 сентябридан бошланади.**

# ВРАЧ ВА ФАРМАЦЕВТЛАРГА МАЛАКА ТОИФАСИНИ БЕРИШ АТТЕСТАЦИЯЛАРИ ОНЛАЙН ШАКЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

**Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 5 сентябрдаги тегишли буйруғи билан Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази ҳузуридаги врачлар ва фармацевтларга малака тоифасини бериш бўйича апелляция комиссияси ва жами 39 та тиббий йўналишдаги ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари таркиби тасдиқланди.**

Ушбу аттестацияларни ZOOM дастури орқали онлайн шаклда ўтказиш тартиблари ҳам ишлаб чиқилди.

Мазкур янги тартиб шу йил сентябрь ойидан бошлаб синов тариқасида врач ва фармацевтларга, 2024 йил 1 январдан бошлаб эса барча тиббиёт ва фармацевтика ходимларига босқичма-босқич татбиқ этилади.

ZOOM дастури орқали оғзаки имтиҳон (суҳбат) ўтказиш Тошкент шаҳри ва вилояти учун Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази биносида зарур қурилмалар билан жиҳозланган хоналарда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мутахассислар учун Марказнинг ҳудудлардаги ана шундай хоналарида ўтказилади.

*– Имтиҳон жараёнида талабгор учун "Random" дастури орқали тасодифий тарзда билет танланади.*

*– Билетлар 5 та саволдан иборат бўлиб, уларга жавоб бериш учун кўпи билан 15 дақиқа вақт берилади ва 10 баллик тизимда баҳоланади.*

*– Имтиҳон якунида "Random" дастури умумий балларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб беради ва ўша заҳоти эълон қилади.*

*– Вазирлик томонидан бу жараёнларни ташкил этишда техник ва дастурий воситалар узлуксизлигини таъминлаш бўйича масъулларга зарур вазифалар юклатилди.*

**@ssvuz.**

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

# 5 ЁШГАЧА БЎЛГАН 164 НАФАР БОЛАДА КОХЛЕАР ИМПЛАНТАЦИЯ АМАЛИЁТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

**Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда 17 млн нафардан ортиқ, шу жумладан 9,1 млн нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёлларга 227 та туғуруқ муассасалари, 18 ёшгача бўлган 11 млн нафар болага эса 245 та педиатрия муассасалари хизмат кўрсатиб келмоқда.**

Тиббий-санитария муассасаларида "Аёллар маслаҳатхона"лари, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларда "Онко-назорат хона"си ҳамда "Қизлар саломатлик марказ"лари фаолият юритяпти. Шунингдек, Президентнинг тегишли қарорига асосан республикадаги 46 та туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг туғуруқ бўлимлари негизида туманлараро перинатал марказлари амалдаги штатлар доирасида ташкил этилган.

Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида аёллар оммавий тарзда ультратовуш текширувидан нафақат вилоят, балки туман (шаҳар) микёсида янги ташкил этилган пренатал скрининг хоналарида ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 6 ойида 1,9 млн нафар хотин-қизлар онкоскрининг текширувидан ўтказилди. 5,9 млн нафар 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларнинг 662,3 минг нафари темир, 560,5 минг нафари эса фолий препаратлари билан бепул таъминланди. Бундан ташқари, эшитиши заиф ва туғма карликни даволаш мақсадида **2023 йилнинг биринчи ярмида 5 ёшгача бўлган 164 нафар болада кохлеар имплантация амалиётлари ўтказилди.**

**Йил якунига қадар ҳомиладор аёллар ва болаларга ҳудудидан қатъи назар, кафолатланган бепул тиббий хизматдан фойдаланиш имкони яратилади. Шунингдек, болалар, ўсмирлар ва ҳомиладор аёлларни 7 турдаги витамин ва минераллар билан бепул таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида такрорланувчи хизмат турларини оптималлаштириш ишлари олиб борилади.**

**@ssvuz.**

НАУЧНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ

# ИССЛЕДОВАНИЕ: ИСТОЧНИК НАИБОЛЕЕ РАСПРОСТРАНЕННЫХ ДЕТСКИХ АЛЛЕРГИЙ - В КИШЕЧНИКЕ

***Несбалансированный микробиом кишечника связан с четырьмя распространенными детскими аллергиями – экземой, астмой, пищевой аллергией и сенной лихорадкой, выяснили ученые.***

Ученые, возможно, определили источник наиболее распространенных детских аллергий, к которым относятся экзема, астма, пищевая аллергия и сенная лихорадка.

В новом исследовании ученые выяснили, что все они могут быть связаны с микробиомом кишечника – сообществом микроорганизмов, таких как бактерии, грибки и вирусы, обитающих в пищеварительной системе.

Результаты исследования, опубликованные в журнале Nature Communications, должны привести к разработке методов прогнозирования развития аллергии у ребенка, а также способов предотвращения ее развития, считают авторы.

Ученые из Университета Британской Колумбии и Детской больницы Британской Колумбии (Канада) обнаружили, что особенности микробиома кишечника и влияние раннего периода жизни связаны с развитием этих четырех распространенных аллергий.

Хотя эти аллергии имеют свои уникальные симптомы, исследователи хотели выяснить, имеют ли они общее происхождение, связанное с микробиомом кишечника младенцев.



Одна из авторов доклада ЧариссПетерсен отметила, что, хотя аллергии технически являются разными диагнозами, на клеточном уровне они "имеют много общего".

Исследователи изучили клинические данные 1115 детей, за которыми велось наблюдение с момента рождения до пятилетнего возраста. Примерно у половины из них аллергия ни разу не проявлялась, но у 592 детей врач диагностировал одно или несколько аллергических расстройств.

### НЕСБАЛАНСИРОВАННЫЙ МИКРОБИОМ КИШЕЧНИКА

Изучая образцы кала, взятые при клинических осмотрах в три месяца, а затем в возрасте одного года, ученые обнаружили бактериальную сигнатуру у тех детей, у которых к пяти годам развилась любая из аллергий.

Эта бактериальная сигнатура является отличительным признаком несбалансированного микробиома кишечника, что, вероятно, приводит к нарушению целостности кишечной оболочки и усилению воспалительной реакции в кишечнике.

"Обычно наш организм терпимо относится к миллионам бактерий, живущих в кишечнике, поскольку они делают много полезного для нашего здоровья. Некоторые из способов переноса бактерий заключаются в создании прочного барьера между ними и нашими иммунными клетками, а также в ограничении воспалительных сигналов, которые могли бы побудить эти иммунные клетки к действию", **– говорит соавтор исследования КортниХоскинсон.**

"Мы обнаружили общий сбой в этих механизмах у младенцев, предшествующий развитию аллергии", **– рассказала она.**

Причиной такого дисбаланса может быть целый ряд факторов, включая диету, способ рождения ребенка, место его проживания и воздействие лекарств, например антибиотиков. Антибиотики могут уничтожить чувствительные бактерии, в то время как грудное вскармливание, как известно, пополняет и обеспечивает необходимой пищей бактерии в кишечнике младенца.



**По словам профессора кафедры педиатрии UBC Стюарта Турви**, это позволяет сделать немало выводов.

*"Из полученных данных видно, что такие факторы, как использование антибиотиков в первый год жизни, с большей вероятностью приведут к развитию аллергических заболеваний впоследствии, в то время как грудное вскармливание в течение первых шести месяцев является защитой. Это универсально для всех изученных нами аллергических расстройств",* **– *отметил профессор.***

Исследователи надеются использовать полученные результаты для поиска методов лечения, корректирующих несбалансированный микробиом кишечника.

Сотни миллионов детей во всем мире страдают от аллергии, которая может иметь серьезные последствия для здоровья и психики.

**По данным благотворительной организации Allergy UK, помимо очевидного риска для здоровья, аллергия может влиять на самочувствие детей и иначе, например вызывать страх перед возможной аллергической реакцией, беспокойство по поводу использования адреналиновых автоинжекторов, проблемы с аппетитом и недостаток сна.**

**Ru.euronews.com.**

ДЕТСКАЯ РЕАБИЛИТАЦИЯ

# ОСОБОЕ ВНИМАНИЕ – РОДИВШИМСЯ РАНЬШЕ СРОКА

***Первых пациентов принял кабинет катамнестического наблюдения за детьми с перинатальной патологией, открытый недавно в амбулаторно-поликлиническом звене перинатального центра Нижневартовска.***

По словам специалистов, чаще всего это дети, рожденные раньше срока, которые побывали в реанимации или в отделении патологии новорожденных. Есть среди них и доношенные малыши с перинатальным поражением центральной нервной системы или дыхательными расстройствами, но таких немного.

До этого в течение полугода проводилась активная работа по лицензированию, укомплектованию штата медицинскими работниками, дооснащению кабинета оборудованием и медицинской мебелью.

«В кабинет катамнеза для наблюдения после выписки из стационара передаются дети, имеющие перинатальную патологию, – **рассказывает его сотрудник, врач-педиатр, невролог Светлана Нехороших.** – Его задача: помогать участковым врачам-педиатрам сопровождать таких малышей и вовремя корректировать их состояние».

В кабинете катамнестического наблюдения работает мультидисциплинарная команда, в которую входят врачи – педиатр, невролог, психолог и специалист по медицинской реабилитации и мануальной терапии, а также инструктор по лечебной физкультуре, медицинская сестра по массажу и физиотерапевтическая медицинская сестра, наблюдает детей в течение первых трёх лет жизни. При этом мамы получают информацию по уходу, кормлению, развитию, абилитации и реабилитации малыша в домашних условиях. В рамках реализации федерального проекта «Оптимальная для восстановления здоровья медицинская реабилитация», помимо консультативных посещений и динамического наблюдения, при необходимости разрабатывается индивидуальная программа реабилитации, которую можно получить бесплатно при наличии полиса ОМС.



**Открытие кабинета катамнеза – значимое и долгожданное событие для учреждения. Ведь требующих особого внимания малышей здесь появляется на свет всё больше. Так, в 2022 г. в перинатальном центре родилось раньше срока почти 300 детей. Из них под наблюдение взято 39 малышей, 16 из которых уже прошли курс медицинской реабилитации.**

**Алёна ЖУКОВА,
Медицинская газета,
№ 35, 2023 г.**

**АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА**

# ЛЕКАРСТВА, КОТОРЫЕ НЕЛЬЗЯ ПРИНИМАТЬ ВМЕСТЕ

***Современная фармакология обеспечивает нас тоннами лекарств, и зачастую врачи выписывают нам их горстями, увы, мало интересуясь, что выписали нам другие доктора и что мы уже принимаем. А некоторые препараты при совместном приёме могут «выдавать» побочные эффекты, иногда очень опасные.***

А потому хочу рассказать о некоторых таких «соседях». Иногда совершенно без подозрений, что могут себя так повести. При этом часто прописываемых.

### ЛОПЕРАМИД И КАЛЬЦИЙ

Популярное средство от расстройства кишечника, механизм действия которого направлен на торможение перистальтики кишечника. Кальций из препаратов для лечения и профилактики остеопорозов, например, тоже тормозит продвижение каловых масс. А потому их совместное действие может вызвать мучительные запоры.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

Начался понос, и вы вынуждены принимать лоперамид? Прекратите на это время приём препаратов с кальцием.

**Верапамил и бета-блокаторы**

**Верапамил**–кальциевый блокатор, используется для лечения гипертонии и ишемии. Бета-блокаторы (атенолол, метолол и другие «-лолы») используют для лечения сердечной недостаточности. Обе группы препаратов урежают сокращение сердца. Поэтому их сочетание может привести к сильному замедлению сердцебиения (брадикардии и внутрисердечной блокаде). В самом плохом случае – это может остановить работу сердца.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

Контролировать пульс, если эти препараты назначены «парой», при урежении пульса менее 50 ударов в минуту – обращаться к врачу.

### ЛЕКАРСТВА «ОТ ПРОСТУДЫ» И ОТ АЛЛЕРГИИ

В препараты «от простуды» (популярные растворимые «чаи») включают чаще всего парацетамол, фенилафрин и какое-нибудь антигистаминное средство для уменьшения чихания, слезотечения и прочих проявлений воспаления. Поэтому дополнительное назначение антигистаминных препаратов может вызвать сонливость, снижение концентрации внимания, что особенно чревато при управлении автомобилем или механизмами.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

Если вы принимаете лекарства «от простуды», на время откажитесь от антигистаминных препаратов или принимайте препараты второго-третьего поколения (телфаст, эриус, кларитин и пр.), которые меньше воздействуют на нервную систему.



### АНТИКОАГУЛЯНТЫ (ВАРФАРИН)* И ОБЕЗБОЛИВАЮЩИЕ

Антикоагулянты – это вещества, снижающие свёртываемость крови. У нестероидных противовоспалительных средств (НПВС) – ибупрофен, найз и др. - есть побочный эффект так же снижать свёртываемость. Потому их сочетание может вести к неконтролируемым кровотечениям.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

Если вам назначены антикоагулянты, в качестве обезболивающих применяйте парацетамол.

К таким же эффектам, и особенно к желудочным кровотечениям, может привести сочетание кардиоаспирина* и НПВС, антидепрессантов и НПВС.

**Аспирин** – кардио сейчас повсеместно выписывают для предотвращения тромбообразования (нужно это делать или нет, как-нибудь обсудим), но у сердечного аспирина, как и у НПВС, есть побочное действие на слизистую желудка, поэтому при постоянном совместном приеме они могут вызывать язву и желудочные кровотечения.

Кроме того, НПВС конкурируют с аспирином за один и тот же фермент в своей фармакокинетике. Но при этом блокируют его они хуже, чем аспирин. Поэтому при совместном применении возможно снижение эффективности сердечного аспирина.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

Никогда не принимать ни аспирин, ни НПВС на голодный желудок. Даже тот аспирин, который входит в состав небезызвестных препаратов от похмелья (всех этих «Алко…»). Если есть необходимость приёма кардио-аспирина вместе с НПВС, «разведите» их по времени приёма: НПВС либо минимум через 30 минут после сердечного аспирина, либо за 8 часов до него. А лучше замените НПВС парацетамолом.

### АНТИГИПЕРТЕНЗИВНЫЕ СРЕДСТВА И НПВС

И те, и другие препараты очень распространены, а НПВС ещё и безрецептурные. НПВС повышают тонус гладкой мускулатуры артерий, а также оказывают приводят к задержке жидкости. За счёт этих механизмов НПВС могут снижать эффективность ряда очень популярных антигипертензивных препаратов (мочегонных, ингибиторов АПФ (всевозможные «-прилы») и БРА – блокаторы рецепторов ангиотензина («-сартаны») и усугублять артериальную гипертензию. Помимо ослабления гипотензивного действия диуретиков, одновременное назначение ингибиторов АПФ или БРА с НПВс может приводить к повышению риска острой почечной недостаточности.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

Как и в предыдущих случаях отказаться от НПВС в пользу препаратов парацетамола.

Статины и противогрибковые препараты, статины и макролидные антибиотики(особенно эритромицин и кларитромицин). Ну, о том, что статины лучше не принимать в принципе, мы уже с вами говорили. Но, коль их принимает огромное количество людей после 40, товполне возможна их «встреча» с противогрибковыми препаратами (типа флуканозола–дифлюкан, флюкостат и др.), которые не менее «популярны» для борьбы с молочницей ротовой полости, кишечника, половых органов, и, тем более с антибиотиками.

Статины перерабатываются ферментами печени. Флуконазол и макролиды тормозят действие этих ферментов, что приводит к чрезмерному накоплению статинов в организме. В больших количествах статины могут вызывать рабдомиолиз – поражение мышц.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

В сети можете встретить рекомендации на время приёма противогрибковых препаратов или антибиотиков отменить статины. А вот этого делать нельзя, иначе получите «синдром отмены» – резкий скачок холестерина. И тогда доктора вам «с чистой совестью» скажут, мол, мы вас предупреждали, без статинов– никуда. Как «уходить» от статинов совсем, я вам уже рассказывала. Лечение бактериальной или грибковой инфекции – как раз самое время начать этот «уход». Уменьшите дозу статинов на треть или даже вполовину, параллельно начав приём омеги-3 в дозировке 2-3 г ЭПК+ДГК. Если омегу уже принимаете, увеличьте её дозировку до 3 г.

**Тиреоидные гормоны** (левотироксин) и ингибиторы протонной помпы, статины, препараты железа, кальция, магния, ралоксифен и эстрогены.

Заместительная терапия тиреоидными гормонами назначается огромному количеству пациентов. Некоторые часто применяемые препараты, в том числе, ингибиторы протонной помпы (ИПП) – лекарственные препараты, предназначенные для лечения кислотозависимых заболеваний желудочно-кишечного тракта за счёт снижения продукции соляной кислоты, статины, препараты железа, кальция, магния, ралоксифен (препарат для лечения остеопороза) и эстрогены могут нарушать всасывание тиреоидных гормонов, что приводит к развитию гипотиреоза у тех пациентов, чьё состояние ранее хорошо контролировалось подобранной дозой тиреиодныхгормонов. Эстрогены также обладают связывающим действием и требуют повышения дозы тиреоидных гормонов.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

Обязательно предупреждать всех врачей, о том, что вы принимаете левотироксин (эутирокс) и эндокринолога о назначении вам другими докторами каких-либо препаратов для корректировки дозы эутирокса.

**Тетрациклины и препараты железа, кальция, антацидные препараты.**

Сочетание антибиотиков тетрациклинового ряда и препаратов железа взаимно ослабляет всасывание препаратов, сочетание с солями кальция ведёт к образованию нерастворимых солей кальция, что ведёт к отложению их в организме. Антациды снижают всасывание антибиотиков.

**ЧТО ДЕЛАТЬ?**

На время приёма антибиотиков отказаться отприёма препаратов железа, кальция, антацидных препаратов.

**Что делать, чтобы не допустить подобных сочетаний?**

*1. Всегда внимательно читать инструкцию. Даже если вам назначил эти препараты врач. Врач – тоже человек, мог ошибиться. В инструкции указываются нежелательные комбинации препаратов.*

*2.Всегда ставить в известность врача обо всех принимаемых препаратах и добавках, назначенных вам ранее другими врачами.*

*3.Никогда не занимайтесь самолечением! Даже если вам или близким в подобных случаях назначали какие-то препараты.*

**Людмила ДЕНИСЕНКО.**

СЕЗОННАЯ АЛЛЕРГИЯ

# ЦАРЬ НАСМОРК

***Экономисты впервые попытались оценить стоимость сезонных аллергий для экономики.***

Поиски «скрытой неэффективности» в экономиках нечасто приводят к впечатляющим результатам. Тем не менее попытка японских экономистов оценить хотя бы часть экономических потерь от сезонных аллергий на растительную пыльцу дала неожиданный, видимо, даже для авторов результат: прямая вычисленная экономическая стоимость проблемы, которой в Японии занимаются (порядка $230 млн в год), вполне сопоставима по порядку величины с расходами на ее решение.

Способы оценки «скрытых» (сложно оцениваемых) факторов, снижающих в экономике производительность труда или приносящих прямые потери, в последние десятилетия усложнились, а возможности более точного определения проблем значительно выросли. Препринт в серии NBER статьи японцев Мики Акесаки из университета Кобе и Хитоши Сигеоки, работающего в университете Саймона Фрейзера в США, иллюстрирует состояние дел в этой сфере: ученые впервые попытались оценить экономический эффект от действия вынесенного в заголовок статьи «невидимого убийцы» – растительной пыльцы, вызывающей сезонные аллергические риниты и прочие аллергические реакции.

Проблема сама по себе хорошо известна и системам здравоохранения, и экономистам. В случае с Японией Акесака и Сигеока воспользовались особым вниманием, которое местные муниципалитеты уделяют пыльце хвойных (кедры и кипарисы),– в стране существует отдельная сеть мониторинга содержания пыльцы в воздухе, на порядок более плотная в сравнении с аналогичными сетями в США и Австралии. Авторы также имели доступ к анонимизированной базе данных по госпитализациям, несчастным случаям и прочей медицинской информации в 2006–2019 годах, позволяющей вычислять корреляции сезонных пыльцевых выбросов и вызванных ими проблем населения. В целом планы Акесаки и Сигеоки были шире, исходно они ставили задачей оценить возможное увеличение таких потерь из-за глобального изменения климата – предполагается, что для Японии это также вызовет увеличение «пыльцевой» нагрузки на атмосферу из-за смены экотопа.



Впрочем, де-факто решить эту задачу не удалось — зато очень скрупулезные исследователи впервые попытались дать максимум оценок, описывающих текущий «экономический эффект от пыльцы». Основной целью работы была оценка стоимости специфической для Японии проблемы, автоаварий из-за выбросов пыльцы, но Акесака и Сигеока также обсчитали и стоимость потерь рабочего времени из-за ринитов, и еще десяток схожих «экономических ущербов» – вплоть до ежегодных расходов населения Японии на антиаллергические препараты и терапию.

Авторы акцентируют внимание на том, что, в отличие от антропогенного загрязнения атмосферы, естественная ее загрязненность с выраженнойцикличностью правительства обычно не интересует.

Акесака и Сигеока предлагают ряд инноваций в решении проблемы, в том числе развитие IT-информирования населения о зонах повышенной пыльцевой экспозиции (отчасти реализовано японским сотовым оператором NTT DoCoMo) и увеличение бюджета лесного министерства Японии, тратящего на программы борьбы с пыльцой $1,1 млн в год. Впрочем, хотя авторы утверждают, что их оценки – это лишь «вершина айсберга» потерь из-за пыльцы, совокупные расходы государства и домохозяйств на решение проблемы выглядят в оценке авторов сопоставимыми с этими потерями — возможно, это закономерность более общего плана. В любом случае, «непроизводительные» расходы на противостояние естественным проблемам и угрозам в структуре ВВП Японии ничем не отличаются от любых «производительных».

**При этом сама по себе проблема сезонного насморка действительно масштабна: она затрагивает до 30% населения развитых стран, оценки медиков предполагают, что сезонная растительная пыльца — насущная проблема около 400 млн человек в мире.**

**Дмитрий БУТРИН.**

ФВБ ОГОҲЛАНТИРАДИ

## МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР

**Ҳар йили куз фаслида об-ҳавонинг совиши натижасида аҳолининг иссиқликка бўлган талаби ошади. Бу эса ўз навбатида турли иситиш печлари, газ баллонлари ва бошқа иссиқлик манбааларига бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлади. Айнан мана шу жараёнда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик бу ёнғин, чақнаш, ис газидан заҳарланиш каби кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.**

Тошкент шаҳар фавқулотда вазиятлар бошқармаси ҳарбий хизматчилари томонидан ўтказилаётган профилактик тадбирларда юқоридаги жиҳатга алоҳида эътибор қаратилиб, профилактик кўрик вақтида аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш ва содир бўлиши мумкин бўлган фавқулотда вазиятларни олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ушбу тадбирларда Тошкент шаҳар фавқулотда вазиятлар бошқармаси ҳарбий хизматчилари билан бир қаторда тегишли ташкилот ходимлари ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича фаол иштирок этишмоқда. Юқорида кўрсатилганларни эътиборга олган ҳолда барча фуқароларимиздан ушбу мавсумга тайёргарлик бўйича фаоллик билан қатнашишларни сўраб қоламиз.

**Б. АБДУЛЛАЕВ,**
**"Қорасув Қароргоҳи" Давлат Резиденцияси ЁХТТЭБ кичик инспектори,**
**3-даражали сержант.**

## ХАВФСИЗ ЭВАКУАЦИЯ

**Фавқулотда вазиятлар юзага келганда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, моддий бойликларни асраш каби эзгу фазилатлар соҳа ходимларининг асосий вазифаларидан биридир.**

Ана шундай йўналишлардан бири – хавфсиз эвакуацияни таъминлашдир. Демак, ўз вақтида ва тезкор огоҳлантириш билан бирга эвакуация чораларини ташкил этиш орқали тезкор ҳаркатларни амалга оширадиган бўлсак, фуқароларнинг нафақат ҳаёти ва соғлиғини, балки моддий бойликларини ҳам қутқариб қолиш имконияти бўлади. Эвакуация чиқиш жойларининг сони, уларнинг ўлчамлари, ёритиш ва тутундан ҳимояланиш таъминланганлиги шароитлари, эвакуация йўлларининг узунлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш, эвакуация йўлларидаги эшикларни қулфлаб қўйиш таъқиқланади. Хонада одамлар бўлганида ички томондан осон очиладиган қилиб қулфлаш. Эвакуация йўллагидаги барча эшиклар бинодан чиқиш йўналиши бўйича эркин очилиши керак. Эллик нафар одам йиғилиши мумкин бўлган барча хоналарда ҳамда зина катакларида, ўтиш жойлари ва бошқа эвакуация йўлларида эвакуация ёритиш чироқлари ўрнатилиши шарт. Бино ва иншоотларда ҳамда улардан чиқиш эшикларини устки қисмида эвакуация йўлларини ва чиқиш жойларини кўрсатувчи ёнғин хавфсизлиги белгилари ўрнатилиши керак.

**А. ПЎЛАТОВ,**
**"Қорасув Қароргоҳи" Давлат Резиденцияси ЁХТТЭБ кичик инспектори, оддий аскар.**

## ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УНИ ЎЧИРИШДАН ОСОН

**Ёнғинни олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилишимиз зарур.**

Ёнувчи нарса ва суюқликлар оловдан ва иситиш асбобларидан узоқда сақланиши керак, носоз электр асбобларидан фойдаланиш мумкин эмас, бир нечта электр асбоблари вилкаларини бир разеткага бирданига тиқмаслик лозим. Ёнғин содир бўлиб қолса уйдан тез чиқишга ҳалақит бермаслиги учун зина майдончалари, балкон ортиқча буюмлардан ҳоли бўлиши керак, шунингдек, транспорт воситаларида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш шарт, жумладан, транспорт воситаларида ёнувчан моддаларни олиб юриш тақиқланади, енгил алангаланувчан суюқликларни йўловчилар кўп вагонда ташиши жуда хавфли. Шундай экан, кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш учун уйда иложи бўлса ихчам ўт ўчиргич ҳамда телефон олдида авария хизматлари телефон рақамлари кўрсатилган қўлланма осиғлиқ туриши лозим.

Ёнғин чиққан ҳолларда, дарҳол ўт ўчириш хизмати 101-рақамига хабар беринг, мавжуд бўлган воситалар (ўт ўчиргич, сув, қум, қалин ёпқичлар) ёрдамида ёнғинни ўчиришга уриниб кўринг, ёнаётган хонага ҳаво киришини чеклаш (деразa ва эшикларни зарурат бўлмаса очмаслик), қуюқ тутун бўлганда зудлик билан хонани тарк этиш ва эшикни маҳкам ёпиш керак. Хонадан чиқаётганингда кўзлар ва нафас олиш органларини тутундан респиратор, пахта докали ниқоб, ҳўлланган латта ёки сочиқ билан ҳимоя қилиш зарур.

Эвакуация қилиш йўллари, зинапоялар, туташ балконлардан, ташқи ёнғин нарвонлари, йўлаклар, баланд иморатларда балконлардаги пастки қаватларга тушадиган эвакуация люкларидан фойдаланиш мумкин.

Ёнғин содир бўлганда ичкарида қолган ва талофат кўрган инсонга қуйидагича ёрдам кўрсатиш тавсия этилади. Ҳўл сочиқ ёки қалин газлама нафас олиш органларини тутундан сақлайди, вақтида (тез ёрдам келгунча) қилинган сунъий нафас жабрланган кишининг ҳаётини сақлаб қолади, сунъий нафас олдириш очиқ ҳавода бўлиши керак, одамлар баданидаги куйган жойларни водопровод сувида ювиш тавсия этилади.

**Албатта, ёнғин содир бўлганда, 101-рақамига қўнғироқ қилинг.**

**Б. ҲИКМАТОВ,**
**"Қорасув Қароргоҳи" Давлат Резиденцияси ЁХТТЭБ кичик инспектори,**
**катта сержант.**

## Академик Ё. Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази 14.00.03 – ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ихтисослиги бўйича докторантура, таянч докторантурага 2024 йил учун

# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Таянч докторантурада ва докторантурага ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

*– Ариза:*

*– Паспорт нусхаси, расм 3x4 (4 дона);*

*– Қисқача биографик маълумотнома (объективка);*

*– Олий таълим муассасасининг магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси;*

*– Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);*

*– PhD ёки тиббиёт фан номзоди тўғрисидаги диплом (докторантурага кириш учун)*

*– Нашр этилган илмий ишлар рўйхати (3.4 шаклда) ва уларнинг нусхалари;*

*– Танланган илмий иш мавзуси;*

*– Илмий раҳбарнинг розилик хати;*

*– Чет тилини билиши ҳақида Миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат (Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 65-сон буйругига асосан).*

*– Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиш мумкун бўлган натижалар бўйича илмий журналларда камида 1та илмий мақола ва 2 тадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган тезисларга эга бўлган мақолалар.*

*– Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун 3 та илмий мақола ва 2 та тезис бўлиши керак.*

*– Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.*

**Ҳужжатлар (pdf) шаклида тайёрланиб, 2023 йил 15 сентябрдан 15 октябргача Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи Ягона электрон тизими (http://phd.mininnovation.uz) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда қабул қилинади. Илмий котибга файл папкада барча ҳужжатлар тўплами тақдим этилади. Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат ҳар йили 1 ноябрдан 25 ноябргача ўтказилади. Таянч докторантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:**

*– чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганган хорижий тил);*

*– мутахассислик.*

**Манзил: 100125, Тошкент ш.,Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56 уй.**

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir
O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА
t.me/o'zbekistondasog'liqnisaqlash
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
**Амрилло ИНОЯТОВ**
Бош муҳаррир ўринбосари
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда " O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana"газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникакциялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
**Таҳририят манзили:** 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41уйТел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми **4 босма табоқ**. Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 692 дона. Буюртма рақами Г-935.

Босмахонага топширилиш вақти: 21-00. 3 4 5 6 7 Топширилди 20-00.